

“Тасдиқланган”
Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
томонидан
12 ноябрь 2013 й.

1-сон ДАВЛАТ ХИЗМАТИНИНГ РЕГЛАМЕНТИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИ ИЖТИМОЙ - ИҚТИСОДИЙ
РИВОЖЛАНИШИНИНГ АСОСИЙ МАКРОИҚТИСОДИЙ
КЎРСАТКИЧЛАРИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТЛАР ТАҚДИМ ЭТИШ

1. Хизматнинг таърифи (паспорт)

1.1. Хизмат номи

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш.

1.2. Хизмат натижалари

Муайян давр учун Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида ахборот.

1.3. Хизмат кўрсатиш органлари ва бланк олиш жойлари

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар статистика бошқармалари, туман (шаҳар) статистика бўлимлари.

Давлат статистика қўмитасининг расмий сайти www.stat.uz.

1.4. Ҳуқуқий асослар

Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрдаги “Давлат статистикаси тўғрисида”ги 441-П-сонли Қонуни.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 8 январдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 8-сонли Қарори.

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар

Манфаатдор давлат органлари, юридик ва жисмоний шахслар.

1.6. Сўров бериш муддати

Сўров бериш муддати ўрнатилмаган.

1.7. Бажариш муддати

Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтига мурожаат қилинганда – кечаю кундуз.

Статистика органларига мурожаат қилинганда – 1 иш соати мобайнида.

1.8. Тасдиқ бериш муддати

Ўрнатилмаган.

2. Хизматдан фойдаланувчиларни хабардор қилиш

2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари:

- Ялпи ички маҳсулот
- Саноат маҳсулотлари
- Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари
- Инвестициялар ва асосий капитал
- Қурилиш ишлари
- Юк ташиш, млн.тн
- Юк айланмаси, млн.тн-км
- Йўловчи ташиш, млн.киши
- Йўловчи айланмаси, млн.йўлов.-км
- Чакана савдо айланмаси
- Пуллик хизматлар
- Хизматлар, жами
- Ташқи савдо айланмаси, млн. АҚШ долл.
- Экспорт
- Импорт
- Қолдиқ

2.2. Кенг миқёсда хабардор қилиш

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотлар Давлат статистика қўмитаси www.stat.uz расмий сайтининг ўнг тарафидаги “Интерактив хизматлар” бўлимининг “Иқтисодиёт рақамларда” қисмининг “Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари” бандида чоп этиб борилади.

2.3. Сўров бўйича хабардор қилиш

Шахсан: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай савол юзасидан оғзаки маслаҳат (10 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Телефон орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача хизматдан фойдаланиш бўйича ҳар қандай катта ҳажмдаги аниқ ахборот берилишини талаб қилмайдиган савол юзасидан оғзаки маслаҳат (5 дақиқадан ортиқ эмас) олиш.

Факс орқали: соат 9-00 дан 18-00 гача сўров бўйича ёзма ҳужжатларни (3 варақдан кўп бўлмаган) қабул қилиш ва узатиш.

Электрон почта орқали: ҳар қандай ёзма сўровларни кенг тарқалган матн форматларида (оддий матн, DOC, RTF, PDF форматларида бириктирилган файл) ёки келишилган бошқа форматларда кечаю кундуз қабул қилиш, соат 9-00 дан 18-00 гача оддий матн форматида, DOC, RTF, PDF форматидаги бириктирилган файл кўринишида ёки келишилган бошқа форматларда ёзма ҳужжатларни узатиш.

Давлат статистика қўмитаси расмий сайтига шахсий мурожаат – кечаю кундуз.

2.4. Хизмат кўрсатиш жойи ҳақида хабардор қилиш

Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳар, Мирзо-Улугбек тумани, 100192, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 63.

2.5. Фойдаланиладиган ҳужжат бланклари (шакллар)

Ўрнатилган тартибда тасдиқланган жадваллар намуналари.

3. Хизмат кўрсатиш

3.1. Иш вақти

Давлат статистика қўмитаси сайтига мурожаат – кечаю кундуз;
Иш тартиби: иш кунлари соат 9-00 дан 18-00 гача.

3.2. Кутиш шартлари

Ўрнатилмаган.

4. Хизмат кўрсатиш тартиби

4.1. Зарур ҳужжатлар

Талаб этилмайди.

4.2. Хизмат ҳақи

Хизмат бепул амалга оширилади.

4.3. Давлат хизматини кўрсатиш босқичлари

Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида ахборотлар олиш учун, www.stat.uz сайтига кириш лозим. Ўнг тарафдаги “Интерактив давлат хизматлари” бўлиmidан “Иқтисодиёт рақамларда” қисмидаги “Ўзбекистон Республикасининг макроиқтисодий кўрсаткичлари” бандини танлаш керак. Қизиқтираётган давр танланади.

4.4. Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар

1. Чораклик асосда статистика соҳалари бўйича якунларни шакллантириш;
2. Ҳисобот даври учун асосий макроиқтисодий кўрсаткичларни шакллантириш;
3. Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичларини Давлат статистика қўмитасининг www.stat.uz расмий сайтида чоп этиш.

4.5. Рад этиш асослари

Ўрнатилмаган.

5. Сифат таъминоти

5.1. Сифат параметрлари


Хизмат кўрсатиш сифати кўрсатиладиган хизматлар учун ўрнатилган тартибга тўлиқ жавоб беради.




5.2. Хизмат сифати устидан шикоят қилиш тартиби

Статистика органларига белгиланган тартибда ёзма мурожаат қилиш ёки Давлат статистика қўмитасининг расмий сайтидаги қарши алоқа шакли орқали шикоят билдириш мумкин.

Давлат хизматини кўрсатиш схемаси


Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш






	Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.
	Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ҳолатда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган.
	Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.

Давлат хизматини кўрсатишда ички идоравий жараёнлар таърифи

**Ўзбекистон Республикасини ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг
асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари тўғрисида ахборотлар тақдим этиш**



	<p>Тўғри тўртбурчак (квадрат) – ҳаракатни билдирувчи элемент. Элемент ичида ҳаракат номи келтирилган.</p>
	<p>Доира (овал) – объектларни кўрсатувчи элемент (бу ҳолатда хизматни олиш натижаси). Элемент ичида олинаётган ҳужжат номи келтирилган.</p>
	<p>Кўрсаткич – ҳаракатлар кетма-кетлигини кўрсатувчи алоқа элементи.</p>